



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Кафедра мудури:

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Клиник фармакология” кафедраси

Доцентлар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “4-5 курслар акушерлик ва гинекология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Патология” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

ОМХ факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Педагогика ва психология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ИКП, гематология, ХДТ ва лаборатория иши” кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Информатика, биофизика ва нормал физиология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Суд тиббиёти” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ИКП, гематология, ХДТ ва лаборатория иши” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш ва эндокринология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Талабалikka бағишлов

ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

“Туркистон” саройида Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган “Биз ибн Сино издошларимиз” мавзудаги маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари ва талабалар иштирок этдилар.

Тадбир ўн дақиқали видеофильм билан бошланиб, унда Тиббиёт академияси талабаси бўлиш шарафига муяссар бўлган ёшларга рамзий равишда аллома ибн Сино ўз “Тиб қонунлари”ни, Гиппократ ўз “Қасамеди”ни ва бошқалар ҳам ўз белгиларини топширдилар.

Тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов биринчи курсга қабул қилинган талабаларни табриқлар экан, уларнинг келажакда билимдон, ишига масъулият билан ёндашадиган шифокорлар бўлиб етишишида тинмай ўқиш, изланиш, ўз устида муттасил ишлаш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, кечада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларидан ташриф буюрган мутасадди раҳбарлар ҳам сўзга чиқиб, ёшларни талабалikka қабул қилинганлари билан қутлаб, келажакдаги ўқишларига зафарлар тиладилар.

Шундан сўнг талабалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Ўзбекистон талабаси ваъдаси”ни ўқидилар. Бунда улар Абу Али ибн Сино бобомизга ва у сингари буюк алломаларга издош бўлишга, Ватанга сикдикдилдан хизмат қилиб, ўз билимларини янада мустаҳкамлаб олишга, эл-юртга, ота-онага, оилага меҳр-муҳаббатли бўлишга ваъда бердилар.

(Давоми 2-бетда.)



ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, кадрли устозлар! Сизларни яқинлашиб келатган ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз.

Айтиш жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни устозлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳамиша юк-


сак қадрлаймиз. Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнат олса арзийдиган талабаларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради.

Кадрли устоз-мураббийлар, Сизларни барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барака тилаймиз. Илмий ва ижодий фаолиятингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.

РЕКТОРАТ



Тўғри турганнинг соясини букиб бўлмайди.





ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбир доирасида магистрлар рамзий синов дафтари, фонендоскоп ва ибн Сино жамоат фонди томонидан инглиз тилида яратилган “Касалликлар атласи”ни биринчи курс талабаларига тухфа этдилар.

“Касалликлар атласи”нинг инглиз тилида яратилишидан мақсад инглиз тилини чуқур ўрганиш, бу тилда мукамал сўзлаша олишни билиш ва хориж адабиётларидан оқилон фойдаланишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбирда “Биз ибн Сино издошларимиз” деб номланган кўргазмалар, Тиббиёт академияси ҳаётидан тайёрланган стендлар, ўқув ва илмий маҳсулотларда соғлом турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўз йўналиши бўйича етакчи олий ўқув юр-

ларидан бўлган Тошкент Тиббиёт академиясининг тўртта факультетида бугунги кунда тўрт мингдан ортиқ бакалавр, етти юздан ортиқ магистр таҳсил олади. Уларга сақиз юздан зиёд профессор-ўқитувчилар сабоқ беради.

— Мен болалигимдан шифокор бўлишни орзу қилардим, — дейди Халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиби Бобурбек Абдуғафоров, — ва бугун мен учун жуда қувончли кун. Жорий йилда давлат гранти асосида устозларим ёрдамида билимларимни мустақамлаб бориб, эл саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ниятидаман.

Талабаларнинг байрамони чиқишлари ва эстрада хонандаларининг концерт дастурлари барчага манзур бўлди.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
Гулчехра ДУРДИЕВА

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кўни

Устоз – буюк зот

Устоз деган сўзнинг маъноси жуда кенг. Бу ёруғ дунёда нимаки бунёд бўлган бўлса, устоз шогирдликнинг ҳосиласидир. Ниманидир кўшнингдан ўрганасан, дўстингдан, оилангдан, китобу матбуотдан, табиат, ҳаттоки жониворлардан-да ниманидир ўрганади инсон. Касбига ноқобил ўқитувчи ўқувчидан шикоят қилади.

Устоз ва шогирд бурчлари, фазилатлари ҳақида жуда кўп мақолалар, ривоятлар битилган. Устозни улуглаб кўплаб мутафаккирлар пурмаъно фикрлар айтганлар. Уларда ўзларининг чуқур самимияти, жўшқин эҳтироси, энг яхши орзулари ва бегараз ниятлари акс эттирилган.

Устозни чин маънода маънавият шифокорига ўхшатишди, чунки гамгин онларда ҳам, шодлик айёмларида ҳам инсонга мадад беради. Унинг

дардига малҳам бўлиб бардошини мустақамлайди, қалбига ҳаётбахш қудрат завқини муҳрлайди. Илм йўли-заҳматли йўл, меҳнат ва машаққат йўли, дейди доно халқимиз.

Безиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида «Илмга илм олмақ йўли билан эришишгайдир. Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганишлар. Илм эгалланг... Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўллариди таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтли дақиқаларда раҳбар, қайгули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир» деганлар. Зеро Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ёшларга қарата шундай деганлар: «Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Урганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш

зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди».

Бугун илм йўлини танлаган киши эътиборга, эъзозга сазовор бўлмоқда. Чунки, бундай инсонларнинг ҳар бир мақсади, ташлаётган қадами ҳамиша эзуликка, яхшиликка йўрилган. Яхши ният билан бошланган ишларнинг интиҳоси хайрли тугаганини ва бу барчамизга ибрат бўла олаганини яхши биламиз. Маълумки, инсон ким бўлишидан, миллати, турар жойи, келиб чиқишидан қатъий назар унинг барча муваффақиятлари меҳнат, устоз ва билим туфайли амалга ошади. Устоз туфайли шогирдлар ҳаётда ўз ўрниларини топадилар, мақсадга эришадилар. Тарихдан маълумки, неча асрлардан буён ҳақиқий устозларни доимо улуглаб, эъзозлаб келганлар.

Давоми 3-бетда.

“БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент Тиббиёт академияси ходим ва талабалари ёзги малакавий амалиётлари давомида “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” акциясини юртимиз бўйлаб ўтказдилар.

Бу тарғибот акцияси ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш учун юртимизнинг турли жойларида: шаҳар, туман, чекка-чекка қишлоқ, овулларда Тошкент Тиббиёт академияси талабалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда кенг тарғибот тадбирлари ўтказдилар. Бу акция давомида талабалар ўз ўқув фаолияти давомида олган билим ва кўникмаларини амалда қўллашди.

Талабалар ўтказган тадбирлари мобайнида “Камолот” ЁИХнинг худудий бўлинмалари ва маҳалла фуқаролар йиғини мутасадди ходимлари кенг кўмак ва ёрдамларини беришди. Талабалар тушунтириш давомида асосий мавзулар сифатида аҳоли ўртасида оммалашган, кенг тарқалган ва ёмон иллатларнинг зарарли оқибатлари, фожиалари ва унинг олдини олиш йўллари ҳақида атрофлича маълумот бердилар. Жумладан, “Гиёҳвандлик – умр заволи”, “Рационал овқатланиш”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Чекишга қарши кураш”, “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари”, “Экология ва саломатлик” каби бир қатор мавзуларда маъруза суҳбат шаклида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Талабаларга ёзги ўқув амалиётига жўнаш олдидан мутахассис врачлар томонидан йигирмага яқин мавзу танланиб булар ҳақида устозлар томонидан талабаларга янада кенгроқ маълумот берилди ва улар жойлардаги тадбирларни ўтказиш давомида нималарга кенгроқ эътибор бериш кераклиги тўғрисида тушунтириш ишлари ўтказилди. Шижоаткор, зеҳнли талабалар “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” акциясини жуда кўтаринки руҳда савол-жавоб шаклида, турли ўйин ва кўргазмалар билан, айрим жойларда эса оммавий ахборот ходимларининг ҳам қатнашганликлари бу тадбирни кенг жамоатчилиikka ёйишда катта ёрдам берди.

Бугунги кунда юртимизда туб ислохотлар, тубдан ўзгаришлар, янгиланиш ва ривожланишлар бўлаётган бир даврда тиббиётга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, юртимиз тиббиёт соҳасида улкан юксалишларга эришмоқда, бунинг исботи сифатида юртимиздаги болалар ўлимнинг камайиши, юртимиз аҳолисининг ўртача ёши ошиб бориши ва турли мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилаётганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Аҳоли турмуш тарзини яхшилашга ва соғлом турмуш тарзини жорий қилишга ёшларнинг кенг кўмак бераётганлиги, яъни бугунги ёш авлоднинг ўзи бу касаллик ва ёмон иллатларнинг салбий оқибатларини тушуниб, унга қарши курашаётгани бугунги ҳар бир ўзбек фуқаросини қувонтиради. Биз Тошкент Тиббиёт академияси соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!!!

Давронбек УРУНОВ,
“Камолот” ЁИХ ТТА БТ кенгаши “Ташкилий ва ахборот йўналиши” сардори, даволаш факультети 307-гурух талабаси



беллини ташкил этади, уяли телефонда 120 децибелл шовқин ҳосил бўлади. Инсон учун йўл қўйилиши мумкин бўлган шовқин кучи 80 децибеллдир. Кучи 90 децибеллга етадиган шовқин вақтида одамнинг кўрши қобилияти 25 фоизга камаяди. 130 децибелли шовқин инсонни касаллантиради. Агар у 150 децибеллга етса, инсон ўзини

асабини бузиб, силласини қуритади ва ҳатто уйқусини чумчўқнинг чириллаши ҳам бузиб юборади. Бундай шовқиндан юрак фаолияти ҳам бузилиб, у қисқа, тез-тез урадиган бўлиб қолади. Шовқин марказий асаб тизимига ёмон таъсир этиб, бош мия пўстлоғи хужайраларини ҳолдан тойдиради. Шовқин таъсирида киши яхши





ШОВҚИННИНГ КЎПИ ЗАРАР...

мутлоқ идора қилолмайди. Ўтмишда баъзи мамлакатларда айбдорларнинг шовқин воситасида жазолашган. Узоқ вақт шовқин – кўнғироқ жаранги остида кишининг асаби ишдан чиқиб, ҳалок бўлган. XX аср охирига келиб, шовқинни ўрганувчи фан – аудиология пайдо бўлди. У товушнинг органлар функционал ҳолатига бўлган таъсирини ўрганади.

Шовқин организмга аста-секин таъсир қилади. Шу сабабли унинг ёмон томонини сезиш жуда қийин. Доимий шовқин таъсири остида одамнинг кулоғи оғирлашади, қўриш қобилияти ҳам сусайиб, киши рангларни ажрата олиш қобилияти пасая боради. Озоддан йиғилиб борувчи шовқин инсон

ухлай олмайди, тез чарчаб қолади, диққат-эътибори сусаяди. Бундай ҳолларда инсон кар бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шовқин, тебранма ҳаракат, чанг, тутун, газ билан биргаликда таъсир этганда, инсон онгига салбий таъсир янада кучаяди. Олимларнинг таъкидлашларича, асаб толаларининг 25 фоизи жуда баланд товушлар туфайли нобуд бўлади. Шовқин таъсирининг узоқ вақт давом этиши гипертония – қон босими касаллигини келтириб чиқаради.

Соҳибжон ҒОЛИБОВ,
Ҳилола МУЛЛАЖОНОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси
Олий маълумотли ҳамшира
факультети 2-босқич талабалари



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

“ОНА — БИТТА, ВАТАН — ЯГОНА”

асаридан сатрлар
ЭНГ ТАНСИҚ БАЙРАМ

Шундай қилиб, 1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Ватанимиз Мустақилликка эришди!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан юртимиз байроғи ҳилпирай бошлади. Аждодларимизнинг минг йиллик орзуси рўёба чиқди. Юртбошимиз адолатсизлик қурбонлари — “пахта иши”, “Ўзбек иши” баҳонасида ҳукм қилинган, бири Россиянинг қоронғи ўрмонларида, бири Қозоғистоннинг қуш учмас саҳраларида азоб чекаётган ҳамюртларимизнинг ҳаммасини Ватанимизга қайтариб олиб келиш ҳақида топшириқ берди! Бу ҳуқуқлари камситилган, ғурури топталган инсонларга кўрсатилган адолат эди!

Бир вақтлар “Наврўз” диний байрам, эскилик сарқити, деб тақиқлаб қўйилган бўлса, энди у ҳар йили расман умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Шўролар замонидан айрим дахрийлар матчиликни бузиб, неча асрлардан бери элга хизмат қилиб келган мадрасаларда чўчка боққан бўлсалар (афсуски, бунақаси бўлган), истиқлол туфайли фуқароларнинг виждон эрки тикланди. Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити расман байрам қилинадиган, ҳар йили ҳаж сафарига борадиган минглаб зиёратчилар учун барча шароитлар яратилган бўлди. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақибанд, Абдуҳолик Ғиждувоний, Имом Термизий каби уламоларнинг пок номи тикланиб, улар хотирасига обидалар ўрнатилди. Тошкент Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Пойтахтимизда ислом университети иш бошлади Ҳозир унда юзлаб ёшлар таълим олмақда. Ҳазрати имом мажмуаси бунёд этилди...

Бир вақтлар тарихчи олимлар Соҳибқирон Амир Темур ҳақида мат-

буотда икки оғиз ижобий фикр билдирганлари учун минг бир хил таъйиқларга ўйлиққан бўлсалар, энди Амир Темур фақат Марказий Осиё эмас, бутун жаҳон тарихида ўчмас из қолдиргани исботланди. Яқин ўтмишда “босқинчи”, “қонхўр” деб ҳақоратлаб келинган бу сиймо бир-бирдан гўзал шахарлар, ўлмас обидалар бунёд этгани, давлат арбоби, фан, адабиёт ва санъат ҳомийси бўлгани аниқланди. Бугунги ёшлар шундай буюк шахснинг авлодлари экани билан фахрланаётирлар.

Ўтган асрнинг ўттиз еттинчи йилларида авж олган “калла олишлар” бошқалар қатори ўзбекнинг ҳам элпарвар фидойиларига қирон келтирган эди. Мустақиллик шарофати билан Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Отажон Ҳошим, Усмон Носир ва бошқа юзлаб юрт фидойиларининг пок номи оқланди. Шўрпешоналар қатл этилган жойда Президентимиз қарори билан “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси бунёд этилиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди. Ватан озодлигини асарларида тараннум этган адиб, олим ва шоирларнинг номлари абадийлаштирилди, уларга ҳайкаллар қўйилди, асарлари қайта-қайта нашр этилди. Элпигинчи йиллардаги “қама-қама”ларда азоб чеккан талай ижодкорларнинг ҳурмати жойига қўйилиб, меҳнати юксак баҳоланди.

Бир вақтлар расмий йўғилишларда она тилида гапириш “номақбул” саналган бўлса, Мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Бироқ бу бизнинг юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакиллари билан биронтасининг ҳуқуқини камситмайди. Ҳар ким ўз она тили билан фахрланиш, ўз тилида сўзлаш ва ёзиш ҳуқуқига эга. Жаҳондаги барча демократик мамлакат-

ларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хил!

Бугун жаҳоннинг истаган мамлакатига борган ҳамюртимиз “мен Ўзбекистон фуқаросиман” деб фахр билан айтиши мумкин. Чунки бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, обрў-эътибори бор. Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Халқимизнинг суюкли адиби Абдулла Қодирий ўлмас асари — “Ўтган кунлар” романида “мозийга қараб иш кўриш хайрли дейдилар”, деб ёзган эди. Чиндан ҳам шундай. Зеро, кечаги кунни унутмаган одам бугуннинг қадрига етади. Ҳозирги авлодга — фарзандларимиз ва набира-ларимизга буни бот-бот эслатиб туриш бизнинг вазифамиздир.

Юқорида келтирилган далил ва фикрларни айтишдан мурод, нуқул кечаги кунни қоралаш ёки иддао қилиш эмас. Бу гапларни эслашдан мақсад — Ватан мустақиллиги шунчаки осмондан тушган неъмат эмаслиги, бу кунларга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам борлигини эслашдир.

... Дунёда меҳри дарё аёллар кўп. Аммо инсон боласи учун Она битта бўлади. дунёда гўзал юртлар ҳам кўп. Аммо инсон боласи учун Ватан битта бўлади! Сиз билан биз она юртимизни қанча эъзозласак, шу кунларга етказгани учун Яратганга қанча шукрона қилсак, истиқлолимизни қанча авайласак, ҳозирги таҳликали замонда юртимиздаги тинчлик-тотувликни асрасак, ёш авлод ҳам ўрнак олади. Бугунги куннинг қадрига етиш учун эса вақти-вақти билан кечаги кунни ҳам эслаб туриш зиён қилмайди...

1991-2010

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

УСТОЗ

Қўлдан кетар бойликлар,
Улар эмас азалий.
Лек олинган билимлар,
Чикмас ёддан, абадий.
Кўкракларни керамиз,
Эришдик деб, ютукқа.
Ким сабабчи, демаймиз,
Чикқач баланд чўққига.
Эй одамзот, йиғ ҳушинг,
Устоз бўлиш машаққат.
Аямагин, бор меҳринг,
Қилган-ку, сенга тоқат.
Устоз, билим булоғи,
Қониб ичгин сувидан.
У ҳаётнинг чироғи,
Баҳра олгин зехнидан.
Гоҳо қаттиқ, гоҳ юмшоқ,
Устоз шундай, бир жумбоқ.
У танитди, қора-оқ,
У хазина, дур булоқ.
Шоҳлардан сўр, устозни,
Қадри қандай бўлади?
Очгин қатта кўзингни,
У отангдай бўлади!!!

Даврон ДАВЛАТШОҲ,

Тошкент Тиббиёт академияси даво-
лаш факультетининг III босқич талабаси

Устоз – буюк зот

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Ривоят қилишларича, қиёмат куни ўз умрини илм ўрганишга ва ўргатишга бағишлаган бир кишини Тангри Таолонинг хузурига келтирадilar. Тангри Таоло бу одамни жаннатга Муҳаммад алайҳиссалом хузурларига олиб боришни амр этади. Қарасаларки жаннатда пайгамбаримиз Хавзи Кавсарнинг лабидан туриб умматларига косода сув ичириб турибдилар. Пайгамбаримиз бу одамни кўриб косода сув эмас, балки муборак қўллари билан Хавзи Кавсар сувидан ичирдилар. Атрофдаги одамлар бу ҳолни кўриб: Ё Расуллуллоҳ, бу одамга қўлларингиз билан сув ичиришингизнинг боиси нимада?, деб сўрабдилар. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом “Дунёда ҳамма одамлар тижорат қилиб, дунё топмоққа машғул бўлиб юрган пайтларида, бу одам дунёнинг муҳаббатидан воз кечиб, илм ўрганди ва ўрганган илмини шогирдларига ўргатди. Шу боис бу одамга Кавсар сувидан ўз қўлим билан ичирдим” деб жавоб берган эканлар. Юртимиз истиқлол наши меросимизни ўрганишда, ўтмиш мутафаккирлари устозларимиз асарларини чоп этиб, халққа етказишда, миллий қадриятларимизни тиклашда катта ва хайрли ишларни амалга оширмақдалар. Бу йиллар давомида Ал-Бухорий, Имом-Ат-Термизий, Аҳмад-ал-Фаргоний, Баҳоуддин Нақибандий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд ал-Заммашарий, Хўжа Аҳрор Валий, Абдуҳолик Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий мустақиллик фидойилари юзага чиқарилди.

Юртбошимиз томонидан мустақиллик арафасида чоп этилган янги китобда таъкидланган-

нидек: “Мустақиллик биз учун аввало ўзлгимизни англаш, инсоний қадримизни, урф-одат ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлий ва аллоларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбаршарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятлар очиб берганини алоҳида таъкидлаш зарур” – деб таъкидлаб ўтдилар.

Янги тикланиб келаётган меккада асосий мақсади жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан юксалтириш, ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар хулқ-атворида ахлоқий фазилатларни синдиришдан иборатдир. Ўрта Осиё халқларининг фахри бўлган Абу Али Ибн Сино инсоннинг маънавий камолотга интилиши унинг биринчи бурчи эканлигини уқтириб, маънавий камолотга эришишдан қочадиганлар – одамларнинг энг кўрқоғидир” деб ёзган экан. Маънавий камолот деб, биз янги билимларни ўзлаштиришларини ва уларни ўз шахсига синдиришларини тушунамиз. Инсон олим бўламан деб илм чўққисига интилишдан аввал, биринчи набатда одамийлик илмини, инсоний юксак фазилатларни ўзлаштириши лозим. Шунинг учун донолар «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деганлар. Шу боис шогирдлар қуйидаги мисраларни доимо ёдда тутмоқлари лозим:

“Устоз – отангдай улғ зотдир”.

Азиз дўстим, ҳурматда бўл, устозингдан ўзганда ҳам.




Илминг ошиб, иқбол қулиб, ҳарчанд сенга боққанда ҳам.

Бўлма мағрур унеонга сен, “Алломасиз” десалар ҳам,

Камтар бўлди алломалар, минг қоядан ошганда ҳам.

Барчангизни касб байрамингиз билан табриқлаймиз, бу шарафли ишингизда муваффақиятлар ёр бўлсин, азиз ва мўътабар устозлар!

Л.Т. ҲИДОЯТОВА,
ПКҚТ ВА УМОТМ катта
ўқитувчиси





УСТОЗИ ЙЎҚ ОДАМНИНГ УСТОЗИ ШАЙТОНДИР

Яқинда мустақил юртимизнинг энг улуғ байрамларидан бири – Ҳадииси шарифларда “Устози йўқ одамнинг устози шайтондир”, “Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан афзалдир” қабилдаги ўғитларни кўп учратамиз. Ҳазал мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий:

Қим сенга бир ҳарфни ўргатди ранж ила,
Бўлмас унинг қарзин узиб минг ганж ила.

деб бежиз уларни кўкка кўтармаган. Машойихлар эса устозларни ота-оналарга менгаб “Ота-онанг сени осмонлардан ерга олиб тушди, яъни йўқдан бор қилди, устозинг эса сени яна осмонларга олиб чиқди, яъни сени парвоз қилдирди” деб уларнинг меҳнатлари ва заҳматлари мартабасини белгиллаган. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов устозлари Миртемир домлани улуғлаб:

**Не-не ўлкаларнинг не даҳолари.
Сиз боис ўзбекча сўйлаган эди.
Сизнинг лафзингизда куйлаган эди,
Қошғарийдан қолган дил садолари.
Шеърингиз учкур-у, ўзингиз карвон,
Манзилга шойилмай келар эдингиз.
Оҳ, устоз, ҳолбуки билар эдингиз,
Югурик даврондир, асли бу даврон.
Сизнинг армонингиз яшар қароғда,
Балки у бўйлагай асрларни ҳам.
Водариф, мана шу сатрларни ҳам,
Битсам бўлмасмиди, сиз тирик чоғда.**

деган эдилар.

1986 йили тақдир мени мусофирликда орттирган энг қадри ва том маънодаги саховатли инсон, тиббиёт фанлари доктори, профессор, “Шухрат” медали совриндори, Жуманазар ака Бекназаров билан учраштирди. Домла менга фақат хирургиядан эмас, балки инсонийликдан, ижодкорликдан, тиббий деонтология ва касб этикасида,

нутқ санъати ва муомала маданиятидан, халқ табобати маънавиятидан сабоқ бердилар, бунинг учун улардан беҳад миннатдорман. Устоз бир неча карра фидокорлик қилиб мени адолатсизликлардан, ноҳолисликлардан химоя қилганлар. Мен шахс, инсон, мутахассис ва ижодкор сифатида шаклланишимга ўз беғараз ҳиссасини қўшган бағрикенг ва покиза устозлар қаторида “Турон” Фанлар академиясининг, “Экология ва инсон саломатлиги” академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳамроев Абдурашид Жўрақуловичнинг номларини алоҳида қайд этиб ўтмасам ноҳолислик бўлади. Кейинчалик Тошкент Тиббиёт академиясида ишлаб юрган кезларим ҳам ана шундай меҳрибон ва покиза инсонларга дуч келдим. Шулардан бири терапия кафедрасининг мудир, профессор, республика соғлиқни сақлаш аълоҳиси, республика халқ табобати академияси академиги Эркин Йўлдошев эдилар (Аллоҳ у зотни раҳматига олган бўлсин).

Мен бахтли инсонман! Аллоҳ менга соҳибкарomat ва парҳезкор инсон Тўхтабой ота Болтабоевдек руҳий устоз ва маънавий пир берди, у зотнинг дуолари мени ғояларимга илҳом ва имкон бериб келмоқда. Шиддат ва шижоат билан кечаётган умрим ана шундай буюк, инсонийлик ва олимликни, шифокорлик ва ижодкорликни ҳайратангиз тарзда уйғунлаштира олган, мен учун қайғуриб, мен учун куйган, ҳар бир қадамимдан суюнган устозлар орасида кечди.

Улуғ кунларнинг остонасида туриб, менинг қанотларимга куч берган, ҳаётда ўз ўрнини топишимда кўмақдош бўлган покиза ва самимий устозларимнинг барчасини Ҳадииси шарифлар байрами билан қўлаб, узоқ ва бахтли умр йўллари насиб этсин дейман.

**Алижон ЗОҲИДИЙ,
Республика Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ табобати Академияси аъзоси,
тиббиёт фанлари номзоди**

Қалбларни ҳаяжонга солувчи ва хотиранинг энг самимий саҳифаларини эслашга ундовчи 1 октябрь – “Устоз ва мураббийлар куни” яқинлашмоқда.

Шу куни бизга сабоқ берган, ҳаёт сўқмоқларидан одимлаб боришимизда устозлик қилган ва бу вазифани айна пайтда ҳам шараф билан бажариб келаётган инсонларни касб байрамлари билан табриклашга ошиқамиз. Албатта, ҳар биримиз исталган соҳада меҳнат қилмайлик, устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз. Аввалига мактабгача таълим муассасалари, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ оламиз.

Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатлари, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларга халқимиз томонидан кўрсатиладиган ҳурмат ва эҳтиромнинг бир бўлагидир.

Бир неча йилдирки, юртимизда “1 октябрь – Ҳадииси шарифлар куни” умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Минг-минглаб мурғак қалбларда эзгулик ёғдусини сочадиган, ўз ўқувчилари учун ҳаёт мактабига йўл кўрсатадиган мўътабар зот – Ҳадииси шарифларнинг кўрсатиладиган ҳурмати ва таълим муассасаларида бугунги касб байрамингиз муборак бўлсин, деймиш!

Ҳақиқатдан ҳам, кўз нури ва қалб кўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз эртани кунининг пойдеворини яратаётган бу инсонларнинг олийжаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак оз.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Устозларимиз ўғити, кексаларимиз панд-насихатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиш. Инсоний фазилатлар ҳиссини синдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларга нисбатан кўнглимизда ҳамisha миннатдорчилик туйғуси билан яшаймиш.

Бугун ТТАСида талаба ёшларга сабоқ бераётган, ўз билим ва кўникмаларини ўргатаётган, нафақат илм-фан соҳасида, балки ҳаёт аталмиш улкан бинонинг зинапояларидан кўтарилди, қоқилмаслик хатоларини англава ва тўғри хулоса чиқариш учун зарур бўлган маслаҳатларни бериб келаётган барча Устозларимизга миннатдорчилик билдираимиз.

Айниқса “Тиббий биология ва гистология”, “Оператив хирургия ва терапевтик анатомия”, “Тиббий ва биологик кимё”, “Ижтимоий фанлар”, “Тиллар”, “Педагогика ва психология” ва бошқа кўплаб кафедраларда бир неча йиллар мобайнида фаолият юритиб келаётган, ўз умрини эгаллаган касби равақи учун сарфлаётган ва кўплаб шогирдларнинг сеvimли Устози бўлган инсонлардан

таълим олаётганимиздан бениҳоя шодмиш.

Шундай фахрли мўътабар инсонлардан бири Расулوف Қуддус Илҳомович ҳақларида тўхталиб ўтмоқчиман.

Устозимиз кўплаб ажойиб фазилатлар соҳиб, оила даврасида меҳрибон ота, сеvimли бобо, касб дўстлари орасида ишончли ва самимий дўст, барча шогирдлари ва талабалари учун “Билимлар хазинаси” дирлар.

Устозимиз гистология фани бўйича сабоқ берар эканлар, ҳар бир талаба билан унинг қизиқишлари, характер хусусиятларига мос ҳолатда алоҳида-алоҳида ёндашдилар. Уларда таълим олган барча талабалар бу фани алоҳида қизиқиш ва сабр-тоқат билан ўзлаштиради.

Қуддус Илҳомович ўзлаштириши паст бўлган талабаларга янада аниқроқ ва тушунарлироқ ҳолатда фани тушунтирар, бу орқали биз талабалар ўз хато ва камчиликларимизни чуқурроқ англаб уларни кейинги сафар бу хатоларни такрорламасликка ва улар биздан кутган даражада юқори натижалар кўрсатишга интилдик. Улар нафақат дарс мобайнида, балки дарсдан ташқарида ҳам биз учун қайғурдилар. Ҳаёт мактаби сабоқлари, инсонпарварлик, ўзаро

“ШАРАФЛИ МЕҲНАТИНГИЗ УЧУН МИННАТДОРМИЗ!”

хурмат, инсоф, иймон тушунчаларини қалбимизга янада чуқурроқ ўрнашишида ўз куч-ғайратларини аямай, ўз фарзандлари, набиралари каби бизни ҳурмат ва эътибор билан тарбиялаб келмоқдалар.

Келажакда мен ҳам ўз йўналишим бўйича ўқишни давом эттириб, патологик гистология фанини юксалтирмоқчиман.

Айнан бизнинг талабалик йилларимиз Қуддус Илҳомович, Нурилло Ҳабибуллаевич, Қодир Раҳимович, Аукяф Хусановна каби профессорлар фаолияти жараёнига тўғри келганидан бениҳоя манунимиз. Чунки уларнинг барчалари академиямиз таянчи ва фахри ҳисобланиб, улар каби ўқитувчиларнинг ТТАСидаги фаолияти биз ёшларга кучли интилиш берса, академиямизга бошқа олий таълим муассасаларидан ажралиб туриши учун имкон беради. Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарларида келтирилган “Бугунги кунда юртимизда эртани ўз кўлимиз билан қураимиз, деган ёшларни кўрганимда, менда худди қанот пайдо бўлгандек бўлади. Биз бунёд этаётган бу гўзал ҳаётни эртага кимнинг кўлига топшираимиз? Албатта, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз, фарзандларимизнинг кўлига! Ўзбекистонда янги авлод пайдо бўлаётганини дунё тан оляпти. Бундай авлод билан эртага, албатта, мақсадларимизга етамиз” сўзларига эътибор берадиган бўлсак биз ёшларнинг порлоқ келажак қуришимиз учун таянчимиз ва тажрибали бўлиб, ҳаётни янада чуқурроқ англашимизда тўғри йўл кўрсатувчи инсонларимиз, устозларимиз борлигидан миннатдоримиз.

Устозларимиз умрлари давомий ва барҳаёт бўлсин!

**Гулноза ШОМАНСУРОВА,
тиббий профилактика факультети талабаси**

